

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АЛИМОВА ДОНО МИРЖАМОЛОНА**

**ҚАЙТАЛАНУВЧИ АФТОЗ СТОМАТИТНИ ТАШХИСЛАШ,  
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КЛИНИК-  
ПАТОГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Алимова Доно Миржамоловна**

Қайталанувчи афтоз стоматитни ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг клиник-патогенетик аспектлари ..... 5

**Алимова Доно Миржамоловна**

Клинико-патогенетические аспекты диагностики, терапии и профилактики рецидивирующего афтозного стоматита..... 30

**Alimova Dono Mirjamolovna**

Clinical-pathogenetic aspects of diagnostics, therapy and prevention of recurrent afthouse stomatitis..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of pulished works ..... 61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АЛИМОВА ДОНО МИРЖАМОЛОВА**

**ҚАЙТАЛАНУВЧИ АФТОЗ СТОМАТИТНИ ТАШХИСЛАШ,  
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КЛИНИК-  
ПАТОГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Tib341 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида [www.tdsi.uz](http://www.tdsi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Бекжанова Ольга Есеновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Копбаева Майра Тайтолеуовна (Қозоғистон)**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Антонова Александра Анатольевна (Россия)**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Гулямов Суръат Саидвалиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**А.И. Евдокимов номли Москва давлат тиббий-стоматология университети (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» феврал соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103-уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: [tsdi2016@mail.ru](mailto:tsdi2016@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 88-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2021 йил «4» феврал да тарқатилди.  
(2021 йил «4» феврал даги 88 рақамли реестр баённомаси).



**Н. Қ. Хайдаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори

**Л. Э. Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Х. И. Иршалиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зурурати. Жаҳонда сўнги ўн йиллик давомида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг сурункали касалликларини олдини олиш ва даволаш муаммосига сезиларли даражада эътибор қаратилмоқда. Қайталанувчи афтоз стоматит (ҚАС) оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг (ОБШҚ) энг кенг тарқалган патологияларидан бири бўлиб ҳисобланади, "...у аҳолининг умумий сонини 5,0-35%да қайд этилади. Турли популяциялар орасида афталарни учраш сони 5%дан 20% чегарасида ўзгариб туради..."<sup>1</sup>. Жаҳон миқёсида касалликнинг юқори даражада тарқалганлиги ва даволаш самарадорлигининг пастлиги, шунингдек янада оғир шаклга доимий ўтиш ҳавфининг юқорилиги мазкур касалликни ташхислаш ва даволашнинг самарали усулларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш заруриятини кун тартибига белгилайди.

Жаҳонда оғиз бўшлиғи касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда қайталанувчи афтоз стоматитни келиб чиқишининг ўзига хослигини аниқлаш; тизимли ва маҳаллий иммунометаболик жараёнларни бузилишини ҳисобга олган ҳолда организмнинг ички муҳитидаги ўзгаришлар фонидида қайталанувчи афтоз стоматитни ривожланиш сабаблари асосланмоқда; Аҳолини кундалик скрининги ва касалликни оптимал ташхислаш бўйича чора тадбирлар такомиллаштирилмоқда, ташхислаш ва даволаш алгоритми, шунингдек ремиссия муддатини узайтирувчи чора тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. ҚАСни кенг тарқалганлиги ва даволаш самарадорлигининг пастлиги, ҳамда оғирроқ шаклига доимий трансформация хавфи бўлганлиги сабабли уни ижтимоий ахамияти ўринли ва касалликни янги патогенетик механизмини ишлаб чиқиш ва ҚАСни даволашни такомиллаштириш заруриятлидир.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш доирасида ОБШҚ касалликларини эрта ташхислаш, шунингдек аҳоли ўртасида уларнинг асоратлари сонини камайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг ҳаммабплиги ва самарадорлиги, сифатини ошириш ҳисобига, шунингдек тиббий стандартизация тизимларини шакллантишини, даволаш ва ташхислашни юқори технологияли усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризацияни самарали моделларини яратиш, касалликларни олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада ҚАСни ўз вақтида эрта ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, унинг клиник кечиш ва учрашиш даражасини оғирлашиши ҳамда бу патологияни "ёшариш" тенденциясини

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотида кўра, 2014

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

аниқлаш, юқори наслий мойиллик омилларини очиб бериш ҳамда ҚАСнинг ривожланишини турли даврларида яллиғланишнинг ўткир фазасида оқсиллар даражаси ва цитокин мувозанатини баҳолашнинг клиник-ташхисий аҳамиятини очиб бериш, касалликни даволаш ва ташхислаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадқиқотларни яна чуқур амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тугрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июнидаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2022 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи.<sup>3</sup>**

ҚАСни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари жаҳонда, жумладан қуйидаги етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда: University of Pennsylvania (АҚШ), University College London (Буюк Британия), King’s College Dental Institute (Буюк Британия), Medical University of Lodz (Польша), Universidad CEU San Pablo (Испания), Universidade Federal, de Minas Gerais (Бразилия), University Hospital Rigshospitalet (Дания), Seoul National University, Yonsei University (Корея), Harvard School of Dental Medicine (АҚШ), University of Oslo (Норвегия), Malaysian Dental Council (Малазия), University of Dundee (Шотландия), Cardiff University (Англия), University of Sydney, University of Western Australia (Австралия), Tel Aviv University (Исроил), The Nippon Dental University (Япония), Hokkaido University (Япония), University of Sichuan, Peking University (Хитой) ва Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон).

ҚАСнинг янги патогенетик жабҳаларини аниқлаш ва улар асосида такомиллаштирилган самарали даволаш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган кенг кўламли тадқиқотлар натижасида бир қатор салмоқли илмий натижалар олинган, жумладан: ушбу касаллик беморларда ҳар йили камида 4

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.upenn.edu](http://www.upenn.edu); [www.ucl.ac.uk](http://www.ucl.ac.uk); [www.kch.nhs.uk](http://www.kch.nhs.uk); [www.en.umed.pl](http://www.en.umed.pl); [www.uef.fi](http://www.uef.fi); [www.uspceu.com](http://www.uspceu.com); [www.ufmg.br](http://www.ufmg.br); [www.rigshospitalet.dk](http://www.rigshospitalet.dk); [www.snu.ac.kr](http://www.snu.ac.kr); [www.yonsei.ac.kr](http://www.yonsei.ac.kr); [hsdm.harvard.edu](http://hsdm.harvard.edu); [www.uio.no](http://www.uio.no); [www.mdc.moh.gov.my](http://www.mdc.moh.gov.my); [www.dundee.ac.uk](http://www.dundee.ac.uk); [www.cardiff.ac.uk](http://www.cardiff.ac.uk); [www.sydney.edu.au](http://www.sydney.edu.au); [www.uwa.edu.au](http://www.uwa.edu.au); [www.tau.ac.il](http://www.tau.ac.il); [www.ngt.ndu.ac](http://www.ngt.ndu.ac); [www.hokudai.ac.jp](http://www.hokudai.ac.jp); [www.scu.edu.cn](http://www.scu.edu.cn); [www.pku.edu.cn](http://www.pku.edu.cn); [www.tsd.uz](http://www.tsd.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

марта турли кўринишларда қайталаниб туриши аниқланган (University of Pennsylvania, АҚШ); касалликнинг алоҳида турлари қайси ёшда илк бора намоён бўлишига аниқлик киритилган (University Department of Oral Medicine, Surgery and Pathology, Буюк Британия); ҚАСни эрта аниқлаш, олдини олиш ва даволашнинг замонавий стандартлари ишлаб чиқилган (University College London, Буюк Британия); ҚАСнинг юзага келишида ва оғир кечишида яллиғлантирувчи цитокинлар миқдори ошиши билан намоён бўлувчи цитокинлар дисбалансининг аҳамияти исботланган (GKT Dental Institute London, Буюк Британия); иммуномодуляторларни назоратсиз қўлланилишини ҚАСга сабаб бўлиши кўрсатилган (Medical University of Lodz, Польша); оғиз бўшлиғининг шиллик қавати (ОБШҚ) касалликлари ривожланишида TNF-а гени полиморфизмининг таъсири исботланган (University Hospital Rigshospitalet, Дания); ҚАСнинг патогенезини инобатга олувчи даволаш усуллари такомиллаштирилган (Yonsei University, Корея); афтоз стоматитнинг қайталанишини камайтиришга йўналтирилган янги даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилган (Harvard School of Dental Medicine, АҚШ); ушбу касалликнинг эпидемиологиясини, диагностикасини, патогенетик комплекс даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилган (Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон)).

Жаҳонда ҚАСли беморларни ташхислаш, патогенетик даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган куйидаги устивор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: ушбу касаллик ривожланишига олиб келувчи янги этиологик ва патогенетик омилларни, шу жумладан генетик полиморфизмнинг ва бошқа наслий омилларнинг, герпес вирусининг, яллиғланишнинг ўткир даври оқсиллари миқдорининг ўрнини аниқлаш; буккал эпителиоцитларда юзага келувчи цитогенетик ва ядросидаги кариологик ўзгаришларни ўрганиш; яллиғлантирувчи цитокинлар экспрессиясини бошқарувчи генларнинг полиморфизмлари билан ҚАСнинг юзага келиши ва клиник кечиш оғирлиги орасидаги боғлиқлик даражасини комплекс молекуляр-генетик изланишлар ёрдамида баҳолаш кабилар муҳимдир .

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги ўн йилликда ҚАСли беморларни ташхислаш ва даволаш муаммолари маҳаллий ва хорижий олимларнинг ишларида ўрганиш давом этмоқда. ҚАСни тарқалишини ўрганиш хорижда жуда ҳам долзарб, сўнгги бир неча ўн йилликда тадқиқотларнинг сезиларли катта қисми уни ўрганишга бағишланган. ҚАС билан оғриган беморларда механик шикастланишлар, стресс ёки бактериал ҳамда вирусли антигенлар каби баъзи триггер омилларга кучайган иммунологик жавоб кузатилади. ҚАСнинг генетик детерминланганлигини афтни қариндошлар ўртасида юқори даражада тарқалганлиги кўрсатади (Бодиенкова Г.М., Титова Ж.В. 2015, Gallo С.В.,Mimura М.А. 2009, TaitWojno E.D. 2019, Zhang М., Xu J. 2017). Морфофункционал, физик-кимёвий ва биокимёвий кўрсаткичларни ўзгариши билан намоён бўлувчи турли экзоген

ҳамда эндоген омиллар таъсири остида юзага келувчи ички гомеостазнинг бузилишини ўрганилиши, ядроларнинг морфологик бузилиши бўйича аниқланадиган ОБШҚ эпителийсининг қиёсий ўзгаришларига олиб келади. (Артемяева И.А., 2019, Гасюк Н.В. 2017, Калаев В.Н. 2014, Мейер А.В., Дружинин В.Г. 2010, Sachin J. 2013). Ҳозирги вақтда исботландики, ҚАСнинг патогенезида ҳавфли ўсма некрозининг омили альфа (TNF- $\alpha$ ), интерлейкин-1b каби яллиғланиш олди цитокинлари муҳим рол ўйнайди (Бодиенкова Г.М. 2015, Slebioda Z., Szponar E. 2013, Sun M., Fu S.M. 2013, Wu D., Xin J. 2018).

Бизнинг мамалакатимизда қатор муаллифлар ОБШҚ касалликлари, шу жумладан ҚАСни даволаш, ташхислаш ва олдини олишнинг янги усуллари ишлаш ва ўрганиш устида иш олиб борганлар. Д.М.Рустамовнинг тадқиқотларида (2007) ҚАСли беморларга энзим-даволаш тизими ишлаб чиқилган, бу эса ўз навбатида айланиб юрувчи иммун мажмуалар клиренсига ва фаол элиминацияга сабаб бўлди; У.А. Шукурова (2009) дисбиотик ўзгаришли ҳомиладорларда ҚАСни зарарлаш даражасини ва ОБШҚ нинг химоя реакциясини пасайиши билан оғиз бўшлиғининг номахсус чидамлилигини камайишини ўрганди, шунингдек оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг қизил ясси лишайини клиник патогенетик даволаш механизминини ишлаб чиқди (2018); С.Х. Юсупалиходжаева (2019) оғиз бўшлиғи шиллик қавати кандидозини этиопатогенетик даволашни такомиллаштирди; Н.Н. Хабибова (2019) пробиотиклар, иммуномодулирловчилар ва дезинфекцияловчи воситаларни қўллаш билан ҚАСни даволаш схемасини ишлаб чиқди.

Шу билан боғлиқ ҳолда ҳозирги кунда ҚАСнинг оғирлик даражаси ўсиши сабабли, қайталанувчи афтоз стоматитни ривожланишининг патогенетик механизмларини ташхислашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш зарур, бу эса кенг қамровли чуқур текширишларни ўтказишни, ҚАСни даволашни шахсийлаштирилган патогенетик усуллари ишлаб чиқиш ва олдини олиш талаб этади, бу эса ўз навбатида диссертация ишининг долзарблиги ва заруриятини кўрсатади. Бу мазкур диссертацион тадқиқот ишини ЎзР даги илмий тадқиқот ишларининг устивор йўналишларига мослигини белгилаб беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011400196 “Ташқи омиллар муҳити таъсирини ҳисобга олиб, асосий стоматологик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда яхшилаш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қайталанувчи афтоз стоматитни клиник диагностик маълумотлари, герпес вируснинг оғирлик даражаси ва яллиғланиш олди цитокинлар генларининг полиморфизминини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш, даволаш ва профилактик чораларини оптимизациялаш усуллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.



### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасида қайталанувчи афтоз стоматитни учраш сонини, клиник кечишининг оғирлигини ва даволаш-ташхислаш ёрдамнинг даражасини ўрганиш;

қайталанувчи афтоз стоматитли беморларда наслий оғирлашувини ва уни касалликни клиник кечиш оғирлиги билан ассоцияциасини ўрганиш;

қайталанувчи афтоз стоматитнинг биомаркерлари сифатида оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати колониал чидамлилигини ва буккал эпителиоцитларнинг функционал ҳолатини ўрганиш;

яллиғланиш олди цитокинлари генларининг полиморф вариантларини молекуляр-генетик тестлаш натижалари бўйича қайталанувчи афтоз стоматитни ривожланиш ҳавфи ва клиник кечиш оғирлигини аниқлаш;

қайталанувчи афтоз стоматитни ривожланишида ва клиник кечишини оғирлигида герпес вирусли зарарланишнинг ролини тавсифлаш;

қайталанувчи афтоз стоматитни патогенезида цитокинлар мувозантининг ва яллиғланишнинг ўткир фазасидаги оксиллар ролига тавсиф бериш;

яқуний клиник статус, буккал эпителийнинг ҳолати, герпес вирусли зарарланиш даражаси ва яллиғланиш олди цитокинларининг IL-1b + 3953 локуси ҳамда TNF – α генининг -308-308 G–A локус генлари полиморфизмига боғлиқ ҳолда қайталанувчи афтоз стоматитни шахсийлаштирилган даволаш ва қайталанишини олдини олиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент давлат стоматология институти терапевтик стоматология клиниксида амбулатор даволаниш қабул қилган (2014-2019 йй.) 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган ҚАС билан оғриган 143 нафар беморлар олинган. Назорат гуруҳи сифатида ОБШҚ патологик ўзгаришлари бўлмаган 46 киши иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қайталанувчи афтоз стоматит билан оғриган беморларнинг фиброзли ва чандиқли шакли, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги буккал эпителиоцитлар, оғиз бўшлиғи суюқлиги, қон зардоби ташкил этди.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот бажаришда клиник, иммунологик, генетик, биокимёвий, патоморфологик, статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҚАСнинг клиник кечиш ва учрашиш даражасини оғирлашиши ҳамда бу патологияни “ёшариш” тенденцияси аниқланиб, шу сабабли касалликнинг максимал даражаси ёш ва ўрта ёшли беморлар диапазонида учрашиши исботланган;

ҚАСнинг юқори ҳавф гуруҳига кирувчи беморларда ва уларнинг ота-онаси ҳамда икки ва ундан ортиқ касалланган ака ва опа-сингилларида TNFα 308 G-A локусидаги ва IL-1B 3954 C-T локусидаги генлар полиморфизмининг мавжудлиги аниқланган, бунинг натижасида ҚАСнинг юқори наслий мойилликга эга эканлиги исботланган;

ҚАСни қайталаниши ва кечиш оғирлигини маркери сифатида цитогенетик ва кариологик бузилишлар, колониал чидамлилиги ҳамда буккал эпителиоцитлар ядросининг электрокинетик ҳаракатчанлиги даражасининг клиник –диагностик аҳамияти исботланган;

ялиғланиш олди цитокинлари генлар полиморфизми ҚАСнинг ривожланиш ҳавфи ва унинг клиник кечиш оғирлиги билан ассоциацияси ялиғланиш олди цитокин генлар полиморфизми TNF $\alpha$  генининг локуси 308 G-A ва IL-1B генининг локуси 3954 C-T билан комплекс, ялиғланиш олди цитокинемиясида ялиғланиш олди цитокинлари полиморфизм генларини роли исботланган;

ҚАСни ривожланишида герпес-вирусли инфекциянинг этиопатогенетик роли исботланган, унинг мавжудлиги ва оғирлик даражаси герпес вирус инфекциясининг IgG ва IgM синфларининг махсус антитаначаларини титри диагностик аҳамиятли боғлиқликга эга бўлиб, бу эса ташхис пайтида, даволаш самарадорлигини кузатувида ва қайталаниш ҳолатларини башоратида герпесвирус инфексиясининг турини баҳолаш зарурлик аҳамиятга эгаллиги исботланган;

ҚАСнинг ривожланишини турли даврларида ялиғланишнинг ўткир фазасидаги оксиллар даражаси ва цитокин мувозанатини баҳолашнинг клиник-ташхисий аҳамияти аниқланган бўлиб, бунинг натижасида ялиғланиш олди цитокинларининг устунлиги билан цитокин мувозанатини бузилишини аҳамиятли ўсиши ва C-реактив оксил ҳамда фибриноген концентрациясининг ортиши, шунингдек церрулоплазмин кўрсаткичининг пасайишини ҚАСнинг патогенезида аҳамиятга эга эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

ҚАСда қайтланишларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишда клиник, анамнестик ва молекуляр-генетик мезонларни сезиларли кенгайтиришга ва тиббий ёрдам сифатини оширишга олиб келиши асосланган;

тизимли ялиғланиш даражаси ва герпес вирусли зарарланиш тавсифи ҳамда мавжудлиги ҳамда буккал эпителиоцитларнинг чидамлилиги ва ядросининг шикастланишини цитогенетик кўрсаткичлари бўйича касаллик қайталанишини ташхислаш, даволаш ва олдини олишга янгича ёндошувлар таклиф этилган;

патологиянинг оғир клиник шакллари (ўрта ва оғир) ривожланиш ҳавфининг генетик белгилари бу гетрозиготли C/T генотиби ва IL-1B генининг C/T 3595 полиморфизмининг гомозиготли C/C генотипини ташувчи комбинацияси бўлиб хисобланиб, бу эса T аллелини ташувчи барча беморларда касаллик ҳафини оширишига олиб келиши аниқланган;

буккал эпителиоцитларнинг шикастланган ядроларини, уларнинг колониал чидамлилигини ва электрокинетик фаоллигини тўғрилашни ўз ичига қамраб олган, қайталанишларни патогенетик қийсий даволаш ва олдини олиш (Траумель крем), герпес вирусли зарарланиш (Улкарил ва Гроприносил) нинг даражаси ва тавсифи ҳамда тимизли ялиғланиш жавоби (иммуномодулятор Деринат) ишлаб чиқилган;

якуний клиник статус, буккал эпителийнинг ҳолати, герпес вирусли зарарланиш ва IL-1b яллиғланиш олди цитокинларининг + 3953 локуси ҳамда TNF –  $\alpha$  генининг -308-308 G–A локус генлари полиморфизмига боғлиқ ҳолда қайталанувчи афтоз стоматитни қайталанишини олдини олиш ва даволашни шахсийлаштириш алгоритмини ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган замонавий назарий ёндашувлар, бажарилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, беморлар сонининг етарлиги, қўлланилган усулларнинг мослиги ҳамда замонавийлиги, уларнинг клиник, иммунологик, генетик, биохимик, патоморфологик ва статистик усуллар асосида қайталанувчи афтоз стоматитнинг замонавий ташхиси, шахсийлаштирилган даволаш алгоритми ва касалликнинг олдини олишни ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий-услубий аҳамиятга муолик ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларнинг буккал эпителиоцитлар ҳолатининг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларидан фойдаланиш, ҚАСни ташхислаш ва даволашни ортималлаштиришга хизмат қилиши ҳамда ҚАСнинг ривожланиш ҳавфини, унинг клиник кечиш оғирлигини ва цитокин статус кўрсаткичларини ўрнатиш учун яллиғланиш олди ген цитокинлари полиморфизмининг молекуляр-генетик тадқиқ қилиш зарурияти асослаб берилгани, шунингдек касалликни ривожланиш ҳавфида герпес вирусли зарарланиш типининг роли очиб берилгани, патологиянинг оғирлиги ва қайталанишга қарши даволаш мезонлари сифатида яллиғланишнинг ўткир босқичида оксиллар ҳамда цитокин мувозанатининг роли кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҚАСда даволашни шахсийлаштириш в қайталанишларни олдини олишда клиник, анамнестик, цитологик, мелекуляр-генетик, биокимёвий ва вирусологик мезонлар ишлаб чиқилганлигида ҳамда кечиш оғирлигини, қайталаниш кескинлигини, наслий оғирлигини, бемор гентипи, герпесвирус даражаси ва тавсифини, тизимли яллиғланиш реакция ҳолатини ҳисобга олган ҳолда патогенетик йўналтирилган даволашни буюриш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий этилиши.** Қайталанувчи афтоз стоматитни ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг клиник-патогенетик аспекти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Касалликни қайталанишини ривожланиш ҳавфини башорат қилиш асосида оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати афтоз стоматитини зўрайишини олдини олиш» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 21 декабридаги 8н-р/194-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ҚАС билан касалланган беморларни назорат қилиш самарадорлигини оширишга, ўз вақтида янада самарали даволаш схемасини тайинлашга, амалга оширилган даволашнинг

самарадорлигини оқилона баҳолашга ва эришилган ремиссиянинг барқарорлигини тахмин қилишга ва шу сабабли ҳар бир бемор учун терапевтик ва профилактика чоралари схемасини самарали ишлаб чиқиш имконини берган;

«Қайталанувчи афтоз стоматитни мажмуавий даволашда Улкарил дори воситасини қўллашни клиник самарадорлиги» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябридаги 8н-р/479-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ҚАСнинг рецидив сонини 2-3 мартадан кўпроқ қисқаритришга, рецидив оғирлигини эса 3,60 бараварга камайтириш имконини берган;

«Сурункали қайталанувчи афтоз стоматитли беморларни мажмуавий даволашда Гроприносин иммуномодуляторининг самарадорлиги» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябридаги 8н-р/480-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши тизимли ва маҳаллий яллиғланиш кўрсаткичлари даражасини сезиларли даражада пасайтириши имкониятини яратган, бу клиник кечишига, афт элементларнинг эпителизатсияси вақтига ва ҚАС қайталаниш частотасига ижобий таъсир кўрсатиш имконини берган;

ҚАСни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий натижаларнинг олинган маълумотлари соғлиқни сақлаш, шунингдек ТДСИ клиникасининг терапевтик стоматология бўлими амалиётга, ГУП “1-стоматология поликлиникаси”, Самарқанд шаҳар стоматология поликлиникаси, Тошкент шаҳридаги стоматология поликлиикасининг клиник амалиётга жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 декабридаги №8н-р/52 сонли хулосаси билан тасдиқланган). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши ҚАСни қайталанишини олдини олиш ва даволашни шахсийлаштириш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда даволаш самарадорлигини сезиларли ошириш, даволаш мудатини пасайтириш, даволаш муддати ва қайталаниш сонини қисқартириш, ремиссия давомийлигини узайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 7 та халқаро ва 7 та республика миқёсида ўтказилган илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини чоп эттирилиши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 илмий иш нашр этилди. Улардан 16 илмий мақола, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Олий Атеестация комиссиясининг докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этган республика миқёсидаги журналларда 17 тезислар нашр эттирилди.

**Диссертациянинг тузилмаси ва хажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, шахсий текшириш натижаларининг баёни ва таҳлили билан тўртта боб, хулоса, яқун, амалий натижалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг хажми 196 саҳифадан иборатдир.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг биринчи бобида** қайталанувчи афтоз стоматитнинг клиника ва этиопатогенезини замонавий аспектларининг ҳолати, патогенетик даволашга замонавий ёндошувлар, касалликнинг этиологияси в патогенезининг генетик аспектлари батафсил баён этилган, шунингдек оғиз бўшлиғи шиллиқ қават касалликлари ва қайталанувчи афтоз стоматитни патогенезида герпес вируси ҳамда герпес вирусли инфекцияни роли баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ТДСИнинг терапевтик стоматология кафедраси базасида бажарилган, олиб борилган тадқиқотларнинг умумий тавсифи берилган.

Тадқиқотларда асосий гуруҳ (АГ) ни ташкил этган ҚАСли 142 нафар беморлар иштирок этди. Назорат гуруҳини (НГ) ёш ва асосий ижтимоий-демографик тавсиф бўйича АГ билан қиёсий бўлган 113 нафар кишилар ташкил этди. ҚАСнинг наслий шакллари чикиш сонини ўрганиш учун маълумотларни таҳлил қилиш ҚАС ташхиси бўлган беморларни текширишда бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган карта ёрдамида амалга оширилади, Қариндошликнинг I, II ва III даражасида бўлган пробандлар, сибслар, ота-оналар ва буви-бувалар орасида ҚАС билан касалланиш тўғрисида маълумотлар олинди, тадқиқотда ўрганилганларнинг умумий сони асосий гуруҳда 1085 нафар кишини ва назорат гуруҳида 955 кишини ташкил этди.

ҚАСнинг ривожланишида иммуногенетик омиллар ва тизимли патогенетик механизмларни ўрганишда тадқиқотларга 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган (ўртача ёш  $38,22 \pm 1,30$  йил) қайталанувчи афтоз стоматитли беморлар (КХТ-10 “Оғиз бўшлиғининг қайталанувчи афти К12.0” рубрикси остида), жумладан 63 нафар эркак ва 80 нафар аёллар киритилди (1-жадвал).

### 1 Жадвал.

#### ҚАСли ва назорат гуруҳидаги беморларнинг клиник тавсифи

Кўрсаткичлар		ҚАСли беморларнинг асосий гуруҳи, n=143		Назорат гуруҳи n=46	
I	Ёш, йиллар	Мутлоқ сон	%	Мутлоқ сон	%

1.1.	18-20	30	20,98	9	19,56
1.2.	21-30	40	27,97	13	28,26
1.3.	31-40	45	31,47	15	32,61
1.4.	41-50	21	14,68	7	15,22
1.5.	51-60	7	4,20	2	4,35
жами:		143	100,0	46	100
II.	Клиник кечишнинг оғирлиги:				
2.1.	Енгил	62	43,36	-	-
2.2.	Ўртача оғирликдаги	50	34,97	-	
2.3.	Оғир	31	21,67	-	
Жами:		143	100	46	
III.	Клиник шакл:				
3.1.	Фиброзли	100	69,93	-	
3.2.	Чандиқланувчи	43	30,07	-	
Жами:		143	100	46	

Буккал эпителий ядроларини морфологик ўзгаришлари, уларнинг электрокинетик ҳаракатчилиги, шунингдек хужайра ядро аппаратини цитогенетик ва цитотоксик ўзгаришлари баҳоланди.

Буккал эпителиоцитларининг электрокинетик фаоллиги – ЭКФ,% хужайра ичи электрофорез усули билан баҳоланди. Буккал эпителий хужайраларининг реактивлиги тўғрисида Ведешина Э.Г., Доменюк Д.А бўйича «Candida albicans – буккал эпителиоцитлар» жуфтлигида адгезив реакцияларнинг даражаси ва табиий колонизация индекси бўйича текширилди.

Касалликни кечиш оғирлиги бўйича беморларнинг 3 гуруҳи ажратиб олинди.

Назорат гуруҳини тадқиқот вақтида ўткир патология мавжуд бўлмаган ва сурункали касалликларсиз бўлган, амалий жиҳатдан соғлом 46 нафар шахслар ташкил этди. Қиёсий гуруҳ гендар ва ёш тавсифи бўйича солиштирилди.

Ген номзодлари TNFa (rs1143634:chr6:31575254; GRCh38.p12) ва IL1b (rs1800629:chr2:112832813; GRCh38.p12) гуруҳлаштириш учун HRM-qPCR (Stratagene M\*3005P, Agilent Technologies, Германия; DT-Prime, Россия) ва метод микрочиповой PCR-детекции (MCE 202 MultiNA, Zhimadzu, Япония) PCR-детекцияни микрочиплаш усуллари қўлланилди. Илмий ишни бажаришда "DNA technology" (Москва, РФ) фирмасининг Taq, термостабил ДНК-полимеразаси қўлланилди.

ДНК концентрациясини ўлчаш NanoDrop™ Lite (Thermo Fisher Scientific, USA) спектрофотометриясида ўтказилди ва ДНКнинг барча намуналари 50-100 ng/μl да бўлди.

Харди – Вейнбергнинг тақсимлаш (ХВТ) қонуниятидан келиб чиқиб, ўрганилган полиморфизм генотиpleri тақсимланиши оғишини баҳолаш

генетик маълумотларнинг таҳлил дастури GenePop (Genetics of Population) ёрдамида амалга оширилди. Бунда алеллар ва генотиплар вариантларининг сони ҳисобланди. Кузатилишдан (D) кутилаётган гомо- ва гетерозиготликнинг оғиши  $D=(hobs-hexp)/hexp$  формула бўйича ҳисобланди, бу ерда, hobs ва hexp — кутилаётган ҳамда кузатилаётган гетерозиготлик.

ПЗР усули билан ГВИнинг 1 ва 2 тип вирус юкламаси, қондаги ВЭБ ва ЦМВ ўрганилди. ПЗР усули билан вирус ДНКсининг 10-100 нусха намунасини миқдорий аниқланиши (1 мл намунада 1000 ГЭ/мл) «соғлом ташувчанликни» тавсифлайди, 100 ва ундан ортиқ бўлган нусхаларни аниқланиши эса (1 мл намунада 10000 ГЭ/мл), вирус инфекциясининг фаол фазасини ўрнатишга имкон беради.

Яллиғланиш олди цитокинлари - (ФНО- $\alpha$ ; ИЛ-1b ва ИЛ-6) ва яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-4 ва ИЛ-10) даражасини аниқланиши, уч фазали иммунофермент таҳлил усули билан Санкт-Петербургнинг «Цитокинлар» ОАЖ томонидан ишлб чиқилган тест ёрдамида ўтказилди.

C-реактив оқсилнинг концентрациясини ИФА, CRP Single Test; стандарт жамланмаси; фибриногенни –қон зардобда фибриноген концентрациясини аниқлаш учун Тех-Фибриноген-тест реагентлар жамланмаси ёрдамида ва церуллоплазминни - Thermo Fisher Scientific фирмасининг церуллоплазминни аниқлаш учун реагентлар жамланмаси билан аниқланди.

3 гуруҳ беморлари даволанди:


1 қиёсий гуруҳ (33 нафар бемор ) анъанавий даволаш усулини қабул қилдилар, оғиз бўшлиғини антисептик қайта ишланиши хлоргексидин биглюконатнинг 0,05%ли эритмаси билан амалга оширилди, маҳаллий даволаш учун – метрогил-дента пастаси билан аппликация, иммуномодулирловчи даволашдан фойдаланилди.

2 асосий гуруҳ (32 нафар бемор) анъанавий даволаш усулига қўшимча равишда ҳужайр ва гуморал иммунитетни фаоллаштирувчи Деринат воситасини қабул қилдилар.

3 асосий гуруҳ (33 нафар бемор) 2 асосий гуруҳда ўтказилган даволашга қўшимча равишда вирусларга қарши даволаш хусусиятига эга бўлган Улкарил ва Гроприносин қабул қилдилар.

**Шахсий тадқиқотларнинг учинчи бобида** қайталанувчи афтоз стоматитнинг ирсий оғирлаштирилиши, яллиғланиш олди цитокинларининг ген полиморфизми, оғиз бўшлиғи шиллиғининг колониал резистентлиги ва касалликнинг турли оғирлик даражаларида тизимли яллиғланиш маркерлари ўрганилди.

Қариндошликнинг I, II ва III даражасида бўлганлар орасида ҚАС билан касалланиш тўғрисида маълумотлар олинди (1-расм).



**1-Расм. Турли ирсий оғирлаштириш ҳолати бўлган беморларда ҚАСнинг юзага келишини нисбий ҳавфи**

Ташхисий имконият муносабатларини аниқлаш билан қўланиладиган статистик баён этиш усуллари ҚАСнинг ирсий оғирлаштиришига муносабат билдиришга ва катта ёшли беморлар учун қуйидаги хулосалар беришга имкон берди:

- биринчи ёки иккинчи қариндошлик алоқаларининг мавжудлиги, шунингдек ҚАСдан азият чекувчилар касалликни ривожланиш ҳавфини (OR) 11,099 га оширади;

- 18-24 ёш ва 25-34 ёш оралиғида ирсий оғирликнинг таъсири энг аҳамиятли бўлиб, унинг мавжудлигида ҚАСнинг ҳавфи мос ҳолда 14,467 ва 18,353 мартага ортади;

- клиницистларнинг чуқур эътиборини талаб этадиган объектлар бўлиб, икки бемор ота-оналарга (OR =6,552), шунингдек бемор ака-укалар (OR= 6,552 ) ёки опа-сингилларга (OR= 6,396) эга бўлган беморлар гуруҳи лойиқдир;

- касалликнинг оғир чандиқланувчи шакллари ошган ҳавфига эга бўлган гуруҳга ҚАСдан азият чекувчилар, шунингдек биринчи ёки иккинчи авлод қариндошлигига эга бўлган беморлар киради.

ҚАСнинг турли клиник шакллари билан оғриган беморларда буккал эпителиоцитларини цитогенетик, кариологик тадқиқ қилиш натижалари шундан гувоҳлик берадики, цитогенетик бузилишларнинг учраш сони касалликнинг босқичи ва клиник шакли билан белгилаланади. Цитогенетик бузилишларнинг энг юқори учраш сони ҚАСнинг оғир кечишидаги касалликнинг энг зўрайган даврида қайд этилади. ҚАСнинг оғир кечишида





«синган тухум», «пуффакча», «тил» типдаги протрузияли ҳужайраларни аниқланиш сони назорат белгиларидан 288,3% - 410,0% марта юқори бўлди; ўртача оғирликда кечишида -180,00 – 220,0% га ва енгил даражада кечишида–145,20% - 180,00% га тенг бўлди (2-расм).

**Кучайиш касаллиқни (энг зўрайган) даври**

**Реконвалесценция даври**



**Кичик ядроли ҳужайралар**

**«Синган тухум» типдаги протрузия**



**«пуффакча» типдаги протрузия**

**«тил» типдаги протрузия**



**Изоҳ: 1 – кучайиш; 2 – реконвалесценция; 3 – ремиссия;**

**Фибриноз шакл; Чандиқланувчи шакл; Назорат -100%**

**2-Расм. ҚАСли беморларда буккал эпителиларнинг цитогенетик кўрсаткичлари (назоратга нисбатан % ларда).**

Бир вақтнинг ўзида ядронинг бошқа бузилишлари қайд этилди, пролиферацияли (иккита ядроли ва айлана кертikli ҳужайрлар) ҳужайраларнинг сони сезиларли ошди, иккита ядроли ва айлана кертikli ҳужайрлар сонини сезиларли ортиши касаллиқни оғир шакли билан оғриган беморларда касаллиқни зўрайган даврида янада яққол намоён бўлди. Демак, касаллиқни зўрайиш даврида ядро пролиферацияси бўлган ҳужайраларнинг

умумий сони енгил шаклда назорат гуруҳ кўрсаткичларидан 106,0% ( $P < 0,01$ ) га ошди, ўртача оғирликда кечишда - 190,0% ( $P < 0,001$ ) га ва оғир кечишда - 260,00% ( $P < 0,001$ ) га юқори бўлди.

Ядронинг эрта деструкция белгиларини ўрганишда (перинуклеар вакуолази, хроматинни конденсацияси, ядро вакуолизацияси) аниқландики, касалликнинг барча даврларида ядронинг эрта деструкция кўрсаткичларини ўртача белгилари, назорат гуруҳ белгиларидан ўртача статистик аҳамиятли ( $P < 0,05$ ) юқори бўлди.

ҚАСда бир вақтнинг ўзида ядроларнинг тугалланган деструкцияли ядроси (кариопикнозли, кариорексисли, кариолизисли ва аконтозли хужайрали) аниқланди, улар назорат гуруҳидан мос холда ҚАСнинг енгил даражада кечишида 97,40% ( $P < 0,01$ ) га, ўртача оғирликда кечишида 140,00% ( $P < 0,01$ ) ва оғир кечишда эса 210,00% ( $P < 0,01$ ) га тенг бўлди.

Шундай қилиб, ҚАСли беморларда буккал эпителийларнинг цитогенетик ва кариологик кўрсаткичларини ишончли бузилиши ва ремиссии ҳамда реконвалесценция даврида мазкур ўзгаришларни сақланиб қолиши ўрнатилди.

ҚАСнинг енгил шаклида буккал хужайраларнинг табиий колонизацияси (БХТК), назорат гуруҳи белгиларидан 112,88% ( $P \leq 0,01$ ) га ошди; ўртача даражада кечишида - 170,00% га ва оғир даражада кечишида - 210,00% га юқори бўлди; *S. Albicans*нинг адгезивлигининг мос бўлган ортиши 49,25 % ( $P \leq 0,05$ ); 75,92% ва 116,56 % ( $P \leq 0,05$ ) ни ташкил этди.

Кейинчалик ҚАСли беморларда яллиғланиш олди цитокинлари генларини индивидуал генетик профилини тадқиқоти ўтказилди.

Бизнинг тадқиқотларимизни кўрсатишича, -308 G/A TNFA нинг генетик полиморфизми сурункали қайталанувчи афтоз стоматитга мойиллик билан ассоциацияланган. ҚАСли беморларда А мутант аллели ва унинг G/A гетерозигот варианты ташиш сонини статистик сезиларли ортиши аниқланган. Бунда G алелли ва G/G гомозигот варианты ташувчилиги патологиянинг мавжудлигига нисбатан ҳам, унинг оғирлик даражасига нисбатан ҳам кучсиздир. Равшанки, G аллелли ва G/G гомозигот ташувчилигини протектив таъсири TNF- $\alpha$  цитокинлар экспрессиясини сезиларли даражада пастлиги билан ассоциацияланади, демак унда нобуд қилувчи самара янада камроқ намоён бўлгандир.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, TNF- $\alpha$  яллиғланиш олди цитокин экспрессиясини кодловчи TNF- $\alpha$  генининг -308 G/A полиморфизми, сурункали қайталанувчи афтоз стоматитни ривожланишида патогенетик аҳамиятидир. 308 G/A rs 1800629 гена TNFA полиморфизми, А алелл ва G/A гомозигот генотипини ташувчиларини ҚАС ирсий мойиллик ва унинг клиник кечишини оғирлиги сифатида қараш мумкин

Соғломларда IL-1b гени -3539C>T полиморф локус генотипи ва алеллар сонини ҳамда ҚАСнинг турли оғирлик даражасида бўлган беморлар гуруҳида тақсимланишини таҳлили, патология оғирлигини ортиши билан цитокин тизимларнинг мослашиш механизмларини издан чиқишини акс

эттиради. Патологиянинг энгил кечиши бўлган беморларда IL-1 $\beta$  (+3953) СС гени кам маҳсулдор гомозигот вариантыни аниқланиши IL-1 $\beta$  маҳсулотининг паст даражаси билан ассоциацияланади, Т юқори маҳсулдор мутант алелли ташувчилигини ўрта в юқори оғирликдаги клиник кечиши IL-1 $\beta$  яллиғланиш олди цитокинни ҳаддан ташқари юқори маҳсулдорлигидан гувоҳлик беради. Ўрнатилган ассоциация патогенези бўйича турли патологиялар фониди кечувчи ҚАСни ривожланишини башоратлаш учун муҳим бўлиши мумкин.

Олинган натижалар исботлайдики, 3954 С-Т полиморф локусида IL-1 $\beta$  полиморфизм гени ва 308G –А полиморфизм локусида TNF $\alpha$  гени, ҚАСда яллиғланиш олди цитонемияси даражаси билан боғлиқ бўлган генетик детерминацияланган бўлиб ҳисобланади (2-жадвал).

## 2-Жадвал.

### ҚАСнинг мавжуд бўлиши билан TNF- $\alpha$ генининг полиморф қисмларини ассоциацияси.

Генотиплар / аллеллар	ҚАСли беморлар n=143	Назорат n=46	X <sup>2</sup> , P	OR 95% DI
Генотиплар:				
G/G	123/86,01	44/95,65	1,143 P=0,077 P >0,05	0,286 0,064-1,275
A/G	20/13,99	2/4,35	2,889 P<0,090 P>0,05	3,577 0,803-15,933
A/A	0/0	0	0	0
Жами	143/100,0	46/100,0		
Аллеллар:				
G	262/91,61	90/97,83	4,201 P<0,041 P<0,05	0,243 0,056-1,047
A	24/8,39	2/2,17		4,122 0,955-17,790
Жами:	286/100,0	92/100,0		

ҚАС ривожланишида иммун жавобни цитокинли бошқарилиши ва патология патогенезида иштирок этишининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда олинган натижалар Т алеллар ва IL-1 $\beta$  генларининг Т/Т генотиплари ҳамда А алллари ва TNF $\alpha$  гени G/A генотипларини ташувчиларида ҚАСни ривожланишини жуда юқори ҳавфи тўғрисида гувоҳлик беради (3-жадвал).

## 3-Жадвал.

### Қайталанувчи афтоз стоматит билан IL-1 $\beta$ гени -3539C>Т полиморф локуси ташувчилар сонини ассоциацияси.

Генотиплар / аллеллар	ҚАСли беморлар	Назорат n=46	X <sup>2</sup> P	OR 95% DI
-----------------------	----------------	--------------	------------------	-----------

	n=143			
Генотиплар				
С/С	92/64,34	38/82,61	5,412 P<0,20 P >0,05	0,368 0,160-0,849
С/Т	44/30,78	7/15,22	2,213 P<0,137 P>0,05	2,176 1,028-5,967
Т/Т	7/4,90	1/2,17	0,565 P<0,453 P>0,05	2,316 0,277-19,340
Жами	143/100,0	46/100,0		
Алеллар:				
С	246/86,01	88/95,65	6,287 P<0,015 P>0,05	0,280 0,097-0,804
Т	40/13,99	4/4,35		3,577 1,244-10,287


Оғиз бўшлиғининг қайталанувчи афтоз стоматитини ривожланиши ва клиник кечиш оғирлигига герпес вирусли зарарланишни таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди.

Барча беморлар герпес вирусининг маркерларига IgM ва IgG (ВПГ-1, ВПГ-2, ВЭБ, ЦМВ) синфига кирувчи махсус антителоларининг мавжудлигига текширилади. IgG синфига кирувчи герпесга қарши антителолар СҚАСли 140 нафар (97,90%) беморларда аниқланди. Жумладан IgG ВПГ-1 130 нафар (90,91%) беморларда назорат гуруҳида 89,13% га қарши аниқланди; ВПГ-2 га мос холда 43 нафар (30,07) га қарши 12 (26,09%); ВЭБ – 131 нафар беморда (91,61) га қарши 40 нафар ( 86,96%) ва ЦМВ - 86 ( 60,14 %) га қарши 27 ( 58,70 ). Бунда IgG синфига кирувчи махсус антителоларнинг аниқланиш сони, ҚАСнинг клиник кечиши оғирлигини ўсиб боришига мос холда ортиб боради.

Аниқландики, ҚАСли беморларда махсус IgG нинг концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан ортади. Демак, ҚАСли беморларда ГВИ-1 га қарши антителолар титри 5,41 марта ошди; ГВИ – 2 га қарши– 2,21 марта; ВЭВ га қарши– 4,69 марта ва ЦМВга қарши – 1,93 марта юқори бўлди. Шунингдек ҚАСли беморларда қон плазмасида юқори даражада герпес вирусли ташхисланди. ГВИ-1нинг даражаси 4,47 мартага; ГВИ -2 – даражаси 2,04 мартага; ВЭБ - даражаси 3,67 мартага ва ЦМВ –даражаси эса 3,61 мартага ортади. Бунда вирусли юкламанинг даражаси касалликни клиник кечиш оғирлигини ортиб бориши билан кўпаяди.

Ўтказилган тадқиқотлар герпес вирусли инфекция фаоллигини патологиянинг клиник кечиш оғирлиги билан алоқасини намоён этди, кўрсатилдики, ҚАСнинг оғирлигини ортиши герпес вирусли инфекциянинг «персистирланувчи» ва «реактивланган» типлари билан ассоциацияланади. 1

ва 2 типдаги оддий герпес вирусларини, цитомегаловирус ва Эпштейн-Барр вируси ДНКсининг детекцияси ушбу кўзгатувчиларнинг этиологик аҳамиятини аниқлаштиришга ва вируснинг клиник аҳамиятли концентрациясини аниқланиши билан патология ўртасидаги алоқани исботлашга имкон берди. Гуруҳни герпес вирусларга (ВПГ-1, ВПГ - 2, ВЭБ, ЦМВ) текшириш учун кўрсатма бўлиб, даволашга торпидлик билан бирга касалликни оғир кечиши ва тез-тез юзага келадиган қайтланишлар ҳисобланади. ҚАСнинг клиник кечиши оғирлашишини ортиб бориши, ГВИга IgG ва IgM синфига кирувчи махсус антителоларни, шунингдек қон плазмасида ГВИнинг клиник аҳамиятли концентрациясини ориб бориши билан ассоциацияланади (3-расм).



**3-Расм. Даволаш динамикасида специфик IgG (Бирлик/мл) даражаси.**

Сурункали қайталануви афтоз стоматитни ривожланишида герпес вирусли инфекцияни «персистирланувчи» ва «реактивацияланувчи» вариантларини аниқланишини юқори клиник аҳамияти ўрнатилди: ҚАСли беморларда «персистирланувчи» кечишнинг сони қиёсий гуруҳдаги 13,04%га қарши 48,95%ни ташкил этди ( $\chi^2 = 18,665$ ;  $P \leq 0,001$ ); «реактивацияланувчи» -эса мос холда 8,689%га қарши 23,08% ( $\chi^2 = 5,863$ ;  $P \leq 0,05$ ) ни ташкил этди.

ОБШҚ ҚАСни ривожланишида тадқиқ қилинаётган муҳитларда яллиғланиш олди цитокинларининг концентрацияси сезиларли ортади.

Цитокинлар концентрациясининг ўзгаришини динамикаси ва даражаси тадқиқ қилинаётган муҳит ҳамда ОБШҚнинг шикастланишини оғирлиги билан белгиланади. Демак, оғиз бўшлиғи суяқлигида ҚАСнинг энгил даражасини ўзидаёқ яллиғланиш олди медиаторларининг концентрацияси кескин (2-9 мартага) ортади; яллиғланишга қаршиларнинг концентрацияси эса пасаяди.

Қон зардобда цитокинларнинг динамикаси касалликнинг оғирлигига боғлиқ бўлади; ўртача оғирликдаги ҚАСда яллиғланиш олди цитокинларининг ортиш фонида яллиғланишга қарши медиаторларни қарши таъсир этувчи гуруҳини баъзи (9,78-6,67%га) ортиши қайд этилди; ҚАСнинг оғир кечиши бўлган беморларда қон зардобда яллиғланишга қарши цитокинларнинг концентрацияси пасаяди ( $P<0,05$ ).

Оғиз бўшлиғи суяқлигининг цитокин профили динамикаси бир неча марта бошқача тавсифга эга бўлди: ҚАСнинг энгил кечиши бўлган беморларнинг ўзидаёқ яллиғланиш олди цитокинлар концентрациясини кўчкисимон ортиши аниқланади. Яллиғланиш олди цитокинларининг кескин ортиш фонида яллиғланишга қарши медиаторларнинг ишончли пасайиши ( $P<0,05$ ) қайд этилади.

Касалликнинг энгил ва ўртача кечиши бўлган ҚАС беморларининг оғиз суяқлигида, қон зардобда яллиғланиш олди цитокинлари (ФНО- $\alpha$ , ИЛ-1 ва ИЛ-6)ни ортиши ҳамда яллиғланишга қарши медиаторлар концентрациясини аниқ пасайиши аниқланди.

ҚАСнинг ривожланишини ҳар хил даврларида қон плазмаси ва оғиз бўшлиғи суяқлигида ЎФОни (ўткир яллиғланиш фазасидаги оксиллар) яллиғланиш ўткир ўрганиш касалликни даври ва ҚАСнинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда уларнинг миқдорини ўзгаришини маълум қонуниятлари ўзгаришини аниқлади, улар ОБШҚнинг деструктив ўзгаришларини ва оғиз бўшлиғида маҳаллий белгилар билан кузатиувчи, организмнинг тизимли яллиғланишга жавоб ҳолатини акс эттиради.

Биологик суяқликларда (қон плазмаси ва оғиз бўшлиғи суяқлиги) ЎФО концентрациясини ўзгариши ҚАСнинг оғирлиги билан корреляция бўлади ва оғиз бўшлиғи суяқлигида янада яққол намоён бўлган.

Ремиссия даврида ЎФО даражасини ўрганиш асосида ҚАСни ривожланишини патогенетик қонуниятини акс эттирувчи уларнинг маҳсулотини миқдорий ўзига хослиги аниқланди.

Ҳар икки тадқиқ қилинаётган суяқликларда ремиссия даврида ЎФОнинг даражаси ҚАСнинг клиник кечишини оғирлигига тўғридан тўғри боғлиқдир. ҚАСнинг оғир кечиши кузатилган беморларда ремиссия даврида ҳар икки ўрганилаётган биологик суяқликларда ЎФО яллиғланишнинг юқори салбий динамикаси сақланиб қолди.

Демак, оғиз бўшлиғи суяқлигида 0,12 г/л (назоратдан 120%га юқори) концентрацияда С-реактив оксил аниқланади; трансферрин концентрацияси 37,04% га пасайган ( $P<0,01$ ); фибриноген эса 65,13%га ошган; қон зардобдаги шунга мос бўлган нисбатлар 75,83% ( $P<0,01$ ); 29,17% ( $P<0,01$ ) ва 65,13% ( $P<0,01$ ) ни ташкил этди.

ҚАСнинг ремиссия даврида ЎФО концентрацияси бузилишини сақланиши касаллик оғирлигини кўшимча мезони сифатида, шунингдек оғирлик маркери ва қайталанишлар сони сифатида қўлланилиши мумкин.

ҚАСдаги яллиғланиш реакциялари унверсал ва ўз ичига турли табиатли медиаторлар ҳамда токсинлар таъсири воситасида организмнинг барча реакцияларини қамраб олади, полиорган етишмаслигига ўтиш билан эндотоксикоз жараёнларини умумлаштириш билан тавсифланади

Ўткир фаза оқсилларини синтези яллиғланиш олди медиторлари (цитокинлар, эндотоксикоз компонентлари) таъсири остида фаолашади, заҳарланиш ва инфекция жараён билан кузатилувчи унверсал химоя реакциясини ташкил этади.

